

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 250 (10.303)

2004 ЙИЛ 28 ДЕКАБРЬ

БУЮК КЕЛАЖАК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

XVI сароси
Барча мавбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизнинг сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг халқаро майдондаги обрў эътиборини ошириш, халқимизнинг тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечирishi учун зарур шарт-шароит яратиш йўлида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

2004 йилнинг 26 декабри ҳаёт-бахш ислохотлар ижобати билан боғлиқ муҳим сана сифатида улан, оламшумул ишларимиз солномасига алоҳида саҳифа бўлиб киради. Зеро, худди шу куни мамлакатимиз тарихида илк бор икки палатали парламентнинг Қонунчилик палатасига ва Сенатни шакллантириш учун асос бўлажак маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди.

Сайловларнинг демократик руҳда, миллий қонунчилик ва халқаро андозалар талаблари доирасида ўтишини таъминлаш мақсадида дунёнинг қарийб 40 давлатидан, қўлаб нуфузли халқаро ташкилотлардан 227 нафар кузатувчи иштирок этди. Юртимиз бўйлаб ташкил этилган 120 сайлов округи ва саккиз мингдан зиёд сайлов участкасида 14 миллиондан зиёд ҳамюртимиз ўз сайлаш ҳуқуқидан

фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов 26 декабрь куни эрталаб Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи 644-сайлов участкасига овоз бериш учун ташриф буюрди.

— Мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, эркин демократик фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилади, — деди Ислол Каримов журналистлар билан суҳбатда. — Биз ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч кимдан кам бўлмаймиз, деган шиоримизни рўёбга чиқариш учун ана шундай изчиллик билан иш юритамиз.

Икки палатали парламентнинг шакллантирилиши ана шу улуғвор мақсадларимизни рўёбга чиқариш-

да янада кенг имкониятлар очади.

Юртимиздаги сайлов жараёнларини кузатиб бораётган халқаро кузатувчиларнинг аксарияти Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизимига ўтишини демократияни мустаҳкамлаш ва тараққиётимизни янада юксалтириш йўлидаги янги одим деб баҳоламоқда.

Парламентда жамиятнинг турли қатламлари манфаатлари намоён бўлиши мақсадга мувофиқдир. Бугун сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлардан сайланадиган депутатлар янги парламентда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги борасидаги эзгу мақсадлар йўлида самарали фаолият юритишига ишонамиз.

Президентимиз журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

Ғулом МИРЗО,
ЎЗА мухбири

— 71-Ангрен округидаги қатор участкаларда бўлдим. Сайловнинг демократик тамойиллар асосида ўтганини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Овоз бериш учун келаётган фуқароларнинг иштиёқи баланд эканига гувоҳ бўлдим. Номзодни ёқлаш эркин бўлиб, овоз бериш вақтида ҳеч қандай ташвиқот-тарғибот ишлари олиб борилгани йўқ.

К.ВАРИКОУ — Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет профессори (Хиндистон):

— Эрта тонгданок ҳамма сайлов участкаларида сайловчиларни учратдим. Бу аҳолининг барча қатлами бугунги жараёнга бефарқ эмаслигидан далолат. Сайловни ўтказиш юқори савияда ташкил этилган, демократия талабларига мос равишда ўтаётганидан билдимки, Ўзбекистон демократия тамойилларига амал қилмоқда. Гузал Самаркандни зиёрат қилдим. Пойтахт Тошкентнинг бугунги куни билан танишдим. Тараққиёт сари қадам ташлаётган Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига ишонч ҳосил қилдим.

Чу Же ХВАН — Корея Республикаси Миллий ассамблеяси аъзоси, парламент депутаты:

— 10-Астробод округига қарашли бир неча участкаларда бўлиб, сайлов жараёнини кузатдим. Овоз бериш Жамнубий Кореядагига қараганда анча фарқ қилишини кўрдим. Ўзбекистонда сайловчилар бюллетенлардан фойдаланмоқда. Бизда эса компьютер орқали овоз берилади.

Давоми 2-бетда.

Мамлакатимизда

• Риштон туманидаги «Норико гакуй» Ўзбекистон-Япония маданий-иқтисодий алоқалар маркази кунчиқар мамлакатнинг 75 минг долларлик грантига сазовор бўлди.

• Европа Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг ташаббуси билан «Bioekosan» мажмуасида мактаб ўқувчилари иштирокида «Ёш эколог-китобхонлар» анжумани бўлиб ўтди.

• Қашқадарё вилоятида учта спорт мажмуасининг қурилиши ниҳоясига етди.

• «Машхура» фирмасининг Сирдарё вилоятида очилган ўқув марказининг илк битирувчилари бўлмиш 200га яқин ёшларга дипломлар топширилди.

• Қорақалпоғистон Республикасида бир неча касб-хунар коллежлари ўқувчилар учун ўз эшикларини очди. Жумладан, Эллиқалъа тумани Бўстон шаҳридаги тиббиёт касб-хунар коллежи 200 нафар ўқувчига мўлжалланган.

Жаҳонда

• Европа Иттифоқида Болгария ва Руминия давлатлари 2005 йилда бир қатор дастлабки келишувларини имзолаганидан сўнг 2007 йилда ЕИГА киришлари мумкинлиги тўғрисидаги резолюция лойиҳаси тасдиқланди.

• Россия Президенти Владимир Путин 2005 йил бюджетини қабул қилиш тўғрисидаги қонунга имзо çekди.

• Афғонистон Ўтиш Ислол давлати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат ҳукумати таркибига катта ўзгаришлар киритилганлигини маълум қилди.

• Украинада Президент сайловларининг навбатдаги босқичи бўлиб ўтди.

• Америкалик археологлар Жанубий Американинг Перу мамлакатаи худудида ўта қадимий шаҳар цивилизацияси қўринишларини топишга муваффақ бўлишди. Тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу шаҳар эразмиздан 3 минг йиллар аввал ташкил топган.

• Японияда терроризмга қарши кураш чораларини катийлаштириш мақсадида махсус ҳукумат комиссияси мамлакатга ташриф буюрувчи барча хорижий фуқароларни суратга тушириб, сўнг бармоқларининг излари олиниши кўзда тутилдиган режани маъқуллади.

Кузатиувчилар фикри

САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

Халқимиз ҳуқуқий демократик давлат, очиқ фуқаролик жамияти барпо этиш бора-сида ана бир муҳим қадам қўйди. 26 декабрь куни Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар мамлакатимиздаги қонунчилик талаблари, демократия, ошкоралик ва транспарентлик принциплари асосида ўтди.

Сайловга ҳар томонлама жиддий ва пухта тайёргарлик кўрилди. Сайлов жараёнининг барча босқичларида хорижий давлатлардан, халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар, экспертлар, оммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва Мустақил номзодларни қўллаб-қувватлаш маркази вакиллари иштирок этдилар. Овоз бериш жараёни ҳам улар томонидан синчиқлаб кузатиб борилди.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - ЎЗА мухбирлари хорижий кузатувчиларнинг айримлари билан мулоқотда бўлдилар. Куйида кузатувчилар билдирган фикр-мулоҳазалар билан танишиш:

Нобухиса ТОМОДА — «Мицуи Ко ЛТД» компанияси халқаро ҳамкорлик департаменти бош менежери (Япония):

— Ўзбекистондаги сиёсий жараёнларни бевосита кузатаман. Бўлиб ўтаётган сайловлар юртингизда амалга оширилаётган ислохотларнинг халқаро меъёрларга қай даражада жавоб беришини яна бир қарра исботламоқда. Беруний ва Эллиқалъа туманларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш жараёни билан танишдим.

Шарт-шароитлар халқаро талабларга жавоб беради. Энг муҳими, ҳамма жойда сайловнинг очиқ, ошқора ва ҳалол ўтишига жиддий эътибор берилганлигини кўрдим.

Кечаётган сайлов жараёнига ҳеч қандай эътирозим йўқ. Одамлар ўзлари танлаган номзодга овоз беришмоқда. Истарадимки, сайловчиларнинг

ишончини қозониб, депутатликни қўлга киритган киши мамлакатнинг иқтисодий ривожланиши, ўз сайловчиларининг моддий фаровон ҳаётини таъминловчи қонунлар қабул қилинишига ҳисса қўлса. Ўзбекистонда бюллетень олиб, шу ернинг ўзида овоз бераётгани жуда яхши экан. Ёшларнинг фаолигини кўриб ҳайратландим. Японияда сайловчиларнинг 50 фоизи иштирок этади, ёшлар эса бундай сиёсий жараёнлардан йироқроқ юришади. Бу ерда рўй бераётган истиқболли ўзгаришларни қизгин қўллаб-қувватлаймиз.

Кокимбой ТУРСУНБЕКОВ — Қирғизистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Халқингизнинг сиёсий фаолиги одамларнинг мамлакат ҳаётида юз бераётган ўзгаришларга бефарқ эмаслигини кўрсатиб турибди. Жиззах

шаҳридаги 22-сайлов участкасида бўлдим. Эрталаб соат еттидаёқ бу ерда жуда қўллаб сайловчиларнинг овоз бериш шайтанга гувоҳ бўлдим. Улар бу ишни катта қониқлиш ва мамнуният билан бажаришар эди. Умуман, икки палатали парламент тизимига ўтилиши демократия йўлидаги яна бир дадид қадам, деб ҳисоблайман.

Даан ДИМАРИ — Индонезия Марказий сайлов комиссияси аъзоси:

— Ўзбекистон мустақилликка эришганига унчалик кўп вақт бўлмаган бўлса-да, катта муваффақиятларга эришибди. Икки палатали парламент тизимига ўтиш демократия йўлидаги муҳим қадамдир. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёни ҳам бизга жуда маъқул бўлди.

Юрий КОШЛЕВ — Россия Федерацияси Дипломатия академиясининг биринчи проректори:

Давоми. Боши 1-бетда.

Андрей МИШИН — Украина миллий хавфсизлик ва мудофаа Кенгаши ҳузуридаги халқаро хавфсизлик муаммолари Миллий институтининг бўлим мудири:

— Узбекистонда бўлаётган сайловлар Украинадаги сайловлар билан бир кунга тўғри келди. Ўзбекистондаги сайловларнинг биздаги сайловлардан фарқи шундаки, бу ерда ҳукми сураётган барқарорлик, сиёсий ҳаётдаги муайян эволюцион ривожланиш сайловларнинг тинч йўл билан амалга оширилишини таъминламоқда.

Янги Парламентда Ўзбекистон давлатининг ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилади. Икки палатали парламентга илк бор сайлов ўтказилаётгани учун муайян хатоларга йўл қўйилаётган бўлиши мумкин.

Петр ГАРЛЬКЕВИЧ — МДХ ижроия кўмитаси маслаҳатчиси (Беларусь):

— Мамлакатингизда сайловга тайёргарлик бўйича фақат ижобий фикр айтишни мумкин. Учаскаларни сайловга тайёрлашда кабинетлар ва бюллетень ташлаш кўтиллари кузатувчилар учун қулай қилиб кўринарли жойда жойлаштирилган. Одамлар билан суҳбат жараёнида сайловчилардан сайлов қонунларининг бузилиши ҳақида сўрадим.

Уларнинг жавобларидан бундай ҳол учрамаганига амин бўлдим. Сайлов участкаларида ҳам бу ҳақда шикоятлар тушмаган. Сайлов ҳақидаги ахборотлар одамларга тўлиқ ва ўз вақтида етказиб берилган. Менимча, мамлакатингизда сайлов демократик тарзда ўтмоқда. Халқингиз фаол, ҳар бир киши энг муносибларни сайлаш ҳақида жон куйдиromoқда.

Вахтангаро СУСИЛО — Индонезия Ташқи ишлар вазирлиги ходими:

— Сайловлар демократия қонун-қоидаларига риоя қилинган ҳолда ўтди. Ҳеч қандай эътирозим йўқ. Сизларга омад тилайман!

Жозеф ГОЛЬДБЛАТ — Жаҳон муаммоларини тадқиқ этиш бўйича Женева халқаро институтини вице-президенти (Швейцария):

— Тошкент шаҳридаги 482-сайлов участкасида сайлов жараёни бир маромда, ҳеч қандай қондабузариликларсиз ўтаётганини гувоҳи бўлдим. Сайлов кўти-сини диққат билан кўздан кечирдим. У мустақкам плом-баланган, шубҳа ва иккиланганга ҳеч бир асос йўқ.

Одамлар сайловларда фаол қатнашмоқда. Ҳали эрталаб бўлишига қарамай кўтининг тўлиб кетганини кўрдим. Бу уларнинг мамлакатдаги сиёсий жараёнларга бефарқ эмасликлари билан дарак беради. Юртингизга бир неча бор келганман. Ва ҳар гал Ўзбекистонга келишга оид таклифларни бажонидил қабул қиламан.

Сафарим чоғида янги ва янги ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлман. Энг асосийси эса бу ўзгаришлар аввало одамларнинг онги-шуурида рўй бермоқда. Эркинлик, мустақиллик деган гоғлар уларнинг тафаккурида ўз аксини тоғганини пайқайман.

Беглар ТИВАРДКИЛАДЗЕ — «Лумиге» Рим халқаро маданият гуманитар университети профессори (Италия):

— Сайловда партиялар ва фуқароларнинг фаоллигига қўйиб эътибор қаратдим. Сайлов жараёнини халқаро норма ва стандартларга мос дейиш мумкин. Камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Ёрган БАКЛУНД — ЕХХТ миссияси вакили:

— Ижтимоий ҳаётда сиёсий партиялар тўғриси кун сайин ортиб, фаоллашиб бораётганини кузатиш мумкин, қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг бошқа манбалардан эмас, айнан давлат бюджетидан молиялаштирилиши, менимча, сайловнинг адолатли ва ташкилий жиҳатдан пухта ўтишини таъминлайди.

Юртингизда партияларнинг ҳозирги шаклланиш бо-сқичида бу нарса ниҳоятда зарур, деб ўйлайман. Қолаверса, ушбу жиҳат Ўзбекистондаги амалдаги қонунчи-ликини халқаро ҳуқуқий нормаларга нечоғли мос экан-лигини ҳам кўрсатади. Улар умумэътироф этилган қоидаларга уйғун тарзда яратилган. Номзодларни бо-

шқа маблағлар ҳисобидан молиявий таъминлаш ва моддий жиҳатдан ўзга тарзда қўллаб-қувватлашнинг қонун йўли билан таъминлиши эса демократик жамият йўлидан бораётган мамлакатнинг изчил ривожлани-шини таъминлайди. Шунингдек, мен бир ўзига хос-ликнинг гувоҳи бўлдим.

Фуқаролар мавжуд партиялардан ташқари сайлов-да иштирок этиш учун ташаббускор гуруҳлардан ном-зодлар кўрсатиши мумкин экан.

Чанг ХУН — Корея Республикасининг Ўзбеки-стондаги собиқ Фавқулодда ва мухтор элчиси:

— 10-Астробод округида жойлашган сайлов участ-каларидаги жараёни кузатар эканман, овоз берувчи-ларнинг фаоллигига гувоҳ бўлдим. Уларнинг қўзла-рида эртанги кунга ишонч ва умид катта. Сайлов юк-сак даражада ташкил этилган. Бу эса овоз берувчи-ларнинг ўзи хоҳлаган номзодларга овоз бериши учун қулайлик яратди.

Сантьяго РУИЗ-МОРАЛЕС — Ўзбекистон Рес-публикасининг Испаниядаги Фахрий консули, Клавиго - Амир Темур Испания - Ўзбекистон дўстлик жамияти президенти, мамлакатнинг «Креди Агриколь» банки ижрочи директори:

— Сайлов участкаларини айланиб, беихтиёр Исп-

Кузатувчилар фикри

САЙЛОВЛАР ДЕМОКРАТИЯ ТАМОЙИЛЛАРИ АСОСИДА ЎТДИ

нияда шу каби муҳим сиёсий тадбирларда ўзимнинг иштирок этганимни ҳаяжон билан эсладим. Сайлов-чиларнинг овоз бериш жараёни юртингиздаги мавжуд қонунчиликка мосдир.

Чжан ЧЖИМИН — Хитой Халқ Республикасининг ташқи ишлар канцелярияси маслаҳатчилар гу-руҳи аъзоси:

— Мен 2001-2003 йилларда Ўзбекистонда элчи сифатида фаолият кўрсатганман. Орадан бир йилга яқин вақт ўтган бўлишига қарамадан мамлакатингизда қўллаб ўзгаришлар юз берибди. Тошкент янада гўзалла-шибди. Кўчалар кенг ва раво, тоза-озода. Айниқ-са, қонунчилик ва ижтимоий-сиёсий соҳаларда эри-шилган ютуқлар диққатга сазовор. Сайловнинг мам-лакатингиздаги қонунчилик ва халқаро андозалардан келиб чиқилган ҳолда ташкил этилаётгани алоҳида эътиборга моликдир. Сайлов жараёнида ошқоралик ва тенг ҳуқуқлилик жаҳон афкор оммаси томонидан қизгин қарши олинаётди.

Ушбу муҳим тадбирда кузатувчи сифатида иштирок этиш имкониятига эга бўлганимдан, Ўзбекистонга яна бир бор келганимдан мамнунман.

Мен бу бағрикенг, меҳмондўст халқ орасидан ор-тирган дўстларим билан алоқа қилиб тураман. Улар билан суҳбатлашиб, ўтган қисқа даврда амалга оши-рилган улкан ишларни кўриб хурсанд бўлдим.

Владимир ЗАХАРОВ — Шанхай ҳамкорлик таш-килоти ижрочи котибининг ўринбосари:

— Ўзбекистонда сайлов барча халқаро талаблар асо-сида ўзига хос бир кўринишда ташкил этилган. Барча сайловчиларнинг ушбу тадбирда фаол иштирок этаёт-ганини кўрдим. Барча сайлов округларида овоз бе-ришда иштирок эта олмайдиган фуқаролар учун етар-ли шароитлар ва қулайликлар яратилган. Сайловнинг очик руҳда ўтиши таъминланган.

Игорь СОЛОВЕВ — Латвия Республикаси Сей-мининг ташқи ишлар бўйича комиссияси коти-би, Латвия ва Ўзбекистон парламентлари ҳамкор-лиги гуруҳи раисининг ўринбосари:

— Сайлов жуда яхши ташкил этилган ва унда фаол иштирокини кузатаялман. Ҳеч қандай қонунбузарлик бўлгани йўқ. Ушбу сайловда аёлларнинг қанча ўринга, эга бўлиши мени қизиқтираятти.

Тавқилдамкоқ жоизки, парламент сайлови 5 йилда бир марта бўлиб ўтадиган муҳим тадбирдир. Унга яна-да байрамона тус бериш керак, деб ҳисоблайман.

Мжлад Саер ал-ЗАФИРИЙ — Кувайт давлати Ички ишлар вазирлиги бош бошқармаси бошлиги:

— Мамлакатингизнинг икки палатали парламент ти-зимига ўтаётгани унинг демократик жамият қуриш

йўлида дадил бораётганидан далолат беради. Чунки бу тизим кўнгинга ривожланган давлатлар таърибаси-да ижобий самарасини берган. Мен кузатишларим давомида сайловлар ошқора руҳда, демократик тамой-иллар асосида ўтаётганига амин бўлдим. Сайловчи-лар кимга ва нима учун овоз беришаётганини яхши билишади. Улар бу жараёнга катта масъулият билан ёндашмоқда. Айниқса, сайлов жараёнида хотин-қиз-ларнинг фаол иштироки алоҳида эътиборимни тор-тди.

Мамлакатларимизни боғлаб турадиган муштарак жи-ҳатлар кўп. Биз Ўзбекистонни биродар мамлакат сиф-атида биламиз. Ҳар икки давлат ўртасидаги алоқа-ларнинг ривожланиб бораётгани қувонarli ҳол. Ху-сусан, халқаро терроризм ва жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорлик ҳар икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмади. Шунингдек, сафар давоми-да Ўзбекистонда рўй бераётган ўзгаришлар, кенг қўламдаги ислохотлар ва бунёдкорлик ишларининг шохиди бўлдим.

Франк ШВАЛБА-ХОТ — Европарламент депута-ти маслаҳатчиси:

— Икки палатали Парламент учун бўлиб ўтаётган сайлов жараёнларини кузатар эканман, унинг халқа-ро талабларга мос ке-лишига ишонч ҳосил қилдим. Бу ерда ҳеч қандай қонун бузилиш-ларига йўл қўйилмапт-ти.

Рон Скотт ФИЛИПС

— АКШ Конгресси Ва-киллар палатасининг ҳарбий ишлар бўйи-ча кўмитаси ходими:

— Сурхондарё вило-

ятида бўлиб, сайлов участкаларида номзодлар учун овоз беришининг қандай кечаётгани билан яқиндан танишдим.

Албатта, Ўзбекистоннинг икки палатали парламен-тта ўтиши фуқаролик жамиятини демократлаштириш сари катта қадамдир. Мен бу ерда ўз кўзим билан кўрган жараёнлар тўғрисида гапирсам, таассуротлар-ним катта. Сайловга тайёргарлик ва уни ўтказишга пухта ҳозирлик қўрилган. Сайловчиларнинг овоз бериш бинолари, жиҳозланишида камчилик йўқ. Ҳамма эр-кин, ўзи танлаган номзоди учун овоз беришаётган экан. Сайловни ўтказишни ташкиллаштиришда ҳар бир деталга алоҳида эътибор берилган.

Сергей ЖАЛНЕРОВИЧ — МДХ ижроия кўмита-си бўлим бошлиғи:

— Сайловларда одамларнинг фаоллиги эътиборим-ни тортиди. Соат ўн бирлардаёқ эллик фоиз сайловчи ўз фуқаролик бурчини адо этиб бўлди. Жиддий кам-чиликлар кўзга ташланмади. Муайян бир етишмов-чиликлар бўлиши мумкин, бу табиий. Умуман, сай-лов демократик руҳда ўтганини таъкидлаш керак.

Мен бир нарсага алоҳида эътибор бердим. Сайлов комиссиялари ва участкаларининг ақсарияти коллеж ва лицейларда жойлашган. Олимпия резервлари кол-лежида бўлдим. Фоят хайратланarli иншоот.

У ердаги барча нарса — бинонинг ўзидан бошлаб, жиҳозлар, мутахассис кадрлар — ҳаммаси замон та-лаблари даражасида. Ўрганас арзийди.

Бундай фикрларни бошқа кузатувчилардан ҳам кўп эшитдик. Пойтахтимиз ва барча вилоятларда қурилган замонавий лицей ва коллежлар, шифо масканлари, янги темирйўллар, раво йўллар ҳашаматли кўприклар, қўшма корхоналар хориж-лик меҳмонлар эътиборини жалб этди. Уларнинг ақсарияти сайловга тайёргарлик ва бевосита овоз бериш жараёни билан бир қаторда мустақиллик йилларида эришган ютуқларимиз ҳақида ҳам тўлқинланиб гапирдилар.

Аслида сайловларнинг демократия тамойилла-ри асосида ўтиши, уни юзлаб хорижликлар куза-тиб боргани ҳам истиқлолимиз шарофатидир.

Ҳа, Ўзбекистонда ўтган сайловлар демократи-янинг амалдаги кўриниши бўлди. Катта ташки-лотчилик, очиклик, ошқоралик ва транспарентлик тамойиллари асосида ўтган бу ижтимоий-сиёсий тадбир Ўзбекистон халқи Президент Ислом Ка-римов раҳбарлигида ҳуқуқий демократик, асл фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидан из-чил ва дадил бораётганининг яна бир исботидир.

Владимир РУШАЙЛО:

САЙЛОВ ҲАҚҚОНИЙ, ЭРКИН ВА ОШҚОРА ЎТДИ

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги халқаро кузатувчилар миссияси сайловларга тайёргарлик ва сайлов кўни овоз бериш жараёнини бевосита кузатиб борди. Миссия раҳбари, МДХ Ижроия кўмитаси раиси Владимир Рушайло сайлов арафасида Хоразм ва Бухорода, сайлов кўни эса Тошкент шаҳрининг бир қанча сайлов округлари ва участкаларида бўлди. Жойлардаги сайлов участкаларида яратилган шарт-шароит билан танишди.

МДХ Ижроия кўмитаси раиси 27 декабрь кўни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафоев билан учрашди.

Учрашувда мамлакатимизда кўни кеча ўтказилган сайловнинг дастлабки яқулла-ри ҳақида сўз борди. Сайлов давомидадан ҳозирги пайтга қадар Марказий сайлов ко-миссиясига сайловга оид қонунчилик бу-зилиш билан боғлиқ ҳолатлар тўғрисида шикоятлар тушмади.

В.Рушайло шу йил 30 ноябрдан бўён

Ўзбекистондаги сайлов жараёнларини ку-затиш билан шуғулланаётган МДХ кузату-вчилари миссияси фаолияти самарадорли-гини таъминлаш йўлида яратилган зарур ҳуқуқий ва ташкилий-техник шарт-шароит учун миннатдорлик изҳор этди.

Ўтган даврда МДХ давлатларидан 78 нафар кузатувчи сайлов жараёнлари билан танишганини қайд этилди. Уларнинг бир қисми узок мuddатга келган кузатувчилар сифатида сайлов жараёнлари бўйича мо-ниторинг олиб борди. Сайлов кампанияси-

нинг барча босқичлари сайлов тўғрисида-ги қонунчилик, Ўзбекистон Марказий сай-лов комиссиясининг тегишли қарор ва йўриқномаларида белгиланган тартибда ҳамда мuddатларда ўтганини диққатга лой-иқид.

Сайлов кўни МДХ кузатувчилари 113 сайлов округи ва 612 сайлов участкасида бўлиб, овоз бериш ва овозларни сана-ш жараёнларини кузатиш. Ҳамдўстлик вакил-лари ҳозир бўлган барча участкаларда сай-лов ўз вақтида бошланиб, хотиржам ва

амалий руҳда ўтгани кузатилди. Сайлов жараёнларида бошқа халқаро ташкилот-лар ва хорижий давлатлар кузатувчилари, шунингдек, сиёсий партиялар, сайловчи-лар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчи-лар, оммавий ахборот воситалари вакил-лари ҳам иштирок этдилар.

МДХ кузатувчилари фикрини хулосалаб айтадиган бўлсак, Ўзбекистон Парламен-тининг қўни палатасига сайлов ташкилий жиҳатдан юксак даражада ўтганини эъти-борга сазовордир, деди В.Рушайло. Ушбу сайлов миллий қонунчилик талаблари дои-расида, ҳаққоний, эркин ва ошқора ўтган-лигини эътироф этамиз.

Шу кўни МДХ Ижроия кўмитаси раиси В.Рушайло МДХ кузатувчилар миссияси-нинг Тошкент шаҳридаги қароғоҳида мат-буот конференцияси ўтказди.

ЎЗА

САЙЛОВНИНГ ДАСТАБКИ ЯКУЛАРИГА БАҒИШЛАДИ

Пойтахтимизнинг «Интеркон- тиненталь» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловнинг дастлабки якулига бағишланган матбуот конфе- ренцияси бўлди. Унда Марказий сайлов комиссияси акредита- ция қилинган мамлакатимиз ва хориж журналистлари, ҳалқаро кузатувчилар иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Б.Мустафо- ев сайловда сайловчиларнинг 12 мил- лион 197 минг 159 нафарини, яъни 85,1 фоиз ҳисси овоз бергани сайловнинг бўлиб ўтганидан далолат эканини таъкидлади.

Сайловни ўтказишда Марказий сай- лов комиссияси уч босқидан ibорат ҳаракатлар дастурига асосланиб иш олиб борди. Аввало, сайлов кампа- ниясини ўтказишга тайёргарлик куриш- га алоҳида эътибор қаратилди. Жорий йилнинг июль-август ойлари давоми- да сайлов тўғрисидаги янги қонунлар қридаларини аҳолига кенг тўлуқтириш мақсадида турли анжуманлар, омма- вий ахборот воситаларида чиқарилар уюштирилди. Зарур адабиётлар нашр этилди ва жойларга тарқатилди.

Иккинчи босқич сайлов кампа- нияси бошланиши эълон қилинган кўндан эътиборан сайлов жараёни расмий тад- бирларни ўтказиш билан боғлиқ иш- ларни ўз ичига олади. Бундан, сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ва жиҳозланди, округ ва участка сай- лов комиссиялари таркиби тасдиқлан- ди. Сайловга ҳар томонлама пухта тайёргарлик куриш доимий эътиборда бўлди.

Ҳозирги, учинчи босқич вази- фалари даставвал овозларни санаб чиқиш, округлар ва бутун мамлакат бўйича сайлов якулиларини чиқариш билан боғлиқ тадбирларни қўзда тулади. Мар- казий сайлов комиссияси раиси бу борадаги ишлар қонунда қўзда тутил- ган тартибда ва муддатларда амалга ошириладиганини қайд этди.

Марказий сайлов комиссияси- нинг сайлов натижалари тўғриси- даги қарори ва Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг рўйхати ўн кунлик муддат ичида матбуотда эълон қилинади.

Республика бўйича Ўзбекистон Олий Ма- жлиси Қонунчилик палатасига сайловлар бўйича 120 та сайлов округлари, 14.323.709 сайловчи- лар рўйхатга олинган 8048 сайлов участкалари ташкил этилган. Шундан 11 та сайлов округла- ри ҳамда 1.234824 нафар электоратни ташкил этувчи 664 та сайлов участкалари пойтахтга та- аллуқли. Бундан ташқари, халқ депутатлари Тош- кент шаҳар Кенгашига сайловлар бўйича 60 та округ ташкил этилган. Маҳаллий Кенгашга бешта сиёсий партиялар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва та- шаббускор гуруҳлардан 316 та номзод қайд этилган, сайлов бюллетенларига эса 278 нафар номзод номи ки- ритилган.

Акмал Икромов тумани- даги еттига округ бўйича 61 та сайлов участкаси ма- жруд. 109-мактаб ҳудудида жойлашган 2-сайлов уча- стқаси бўйича соат 11⁰⁰ гача 1400 киши овоз берган (сайловчиларнинг деярли 60 фоизи). «Бекобод» маҳалла- си фуқароси 74 ёшли Фо- зил ота Қобилоннинг уча- стқанинг оралиги — ропа- роса соати 6⁰⁰га келиб, би- ринчилардан бўлиб овоз бергани қайд этилган. Ушбу сайлов участкаси бўйича 63 нафар ёшлар сайловда би- ринчи марта иштирок этиш- ди. Улар орасида яқинда ҳар- бий хизматини ўтаб келган Жасур Фозилов ҳам бор.

— Мен ўз овозимни дас- турдада ёшлар манфаатини, айниқса уларнинг олий ўқув юртиларда тахсил олишига оид мас- алаларни илгари сурган партия вакили учун бердим, — деди Жасур. — Ишонманки, ма- ҳаллий Кенгашлар депутатлик корпуси вакил- ларидан ҳам муносиб ўрин эгаллайдиган янги парламентда келажак авлод, яъни бизнинг э- ранги истибкоб кунимиз, ақл- заковатимиз шак- лланишига ижобий таъсир қўрсатадиган маса- лалар устувор бўлади.

— Шаҳсан мен партия учун эмас, балки номзоднинг инсоний хусусиятларига қараб ўз ҳулосамни чиқардим, — таъкидлаб ўтди яқин- дагина 18 ёшни қаршилаган Машқура Соли- қова. — Сайловда ташвиқоти пайтида унинг таржимаи холи, дастури билан яқиндан тани- шишга имконият бўлди ва шундан келиб чиқ- қан ҳолда ушбу инсонга овоз бердим. Менинг фуқаролик ва сиёсий нуқтаи назаримга кел- сак, умуман олганда, ўзимни фаол инсон дея оламан. Енгил саноят коллежини битирдим, ҳозирча хусусий фирмалардан бирида тикув- чи бўлиб ишляяман. Келгуси йилда албатта олий ўқув юртига кириш ниятим бор. Бу бора- да, назаримда сайлов натижалари ҳам ме- нинг мақсадларим амалга ошишида аҳами- ятга эгадир.

81 ёшли Фарида ая Орифжоновна 4-сайлов участкасига эрта тонгда — соат 5⁰⁰ да келди. — Балки, менга ишонмасликларим ҳам му- мкин, бироқ ўз бурчимни тизорқ адо этишга шо- шилдим, — дейди ая. — Оиламизда 6 нафар кишидан энг каттаси ўзим, демак уларга мен ибрат бўлишим лозим. Кимга овоз беришни ол- диндан ўйлаб қўрганам, унинг ўттиш-ўтмасли- гидан қатъи назар, омад тилаб қоламан...

Бектемир туманидаги битта 8-Сувчи округи 12 та сайлов участкасини қамраб олган. Сай- ловларда рўйхатга олинган 19.262 кишининг 83 фоизи иштирок этган. Шаҳар сайлов комис- сиясига сайлов жараёни тўлиқ яқунланганиги тўғрисида шу тумандаги 73-сайлов участкаси- дан биринчи бўлиб маълумот тақдим этилган.

Мирзо Улугбек туманида 85 та участкага бўлиган 9-16-сайлов округлари жойлашган. Умумий электорат сонининг 81,1 фоизи сай- ловларда қатнашган бўлса, шундан Интизор оку- рги қамровидаги маҳалла аҳли энг фаол бўлга-

ни қайд этилган. Миробод туманидаги 4 та сайлов округи 159- 221-сайлов участкаларидан ibорат бўлиб, сай- ловлар муваффақиятли тугалланганиги ҳусу- сида 17-Минг Урик округидан иккинчилар қаторида маълумот олинган. Туман сайловчиларининг асо- сий қисми эса ўз участкаларига тушлик вақтига қадар ташриф буюришган. — Мен эса ўз бурчимни эрта билан адо

лик бурчини адо этиб улгуришди. Биринчилар- дан Дустилик ва Чоштепа округларидан тўлиқ маълумот олинди. Шу туман фуқароси Камола Эрматовна сайловга бир неча кун олдин 18 ёши- га тўлган ва ўз тенгдошларидан фарқли ўлароқ сайлов участкасига эрта тонгда кириб келди. — Оммавий ахборот воситаларидаги доимий маълумотлар тўғрисида сайлов бериш жараёни ҳусу- сида тўлиқ ахборотга эга бўлсамда, лекин ҳаяжон устун келди — мен ахир биринчи марта овоз бе- рипман, — деди Камола. — Бирок қарорни иккиланмасдан қабул қилдим, чунки барча бешта партиянинг дастура- ри билан танишиб чиқишга ул- гурдим. Албатта, ўзимга яқин деб билган партия томонидан қўрсатилган номзодга овоз бердим. Ким билсин, балки йиллар ўтиб, мен ҳам у ёки бу партия аъзоси бўлишим мумкин, ҳозирча эса Зулфия номидаги Давлат муқофоти совриндори сифатида танлов- дан ташқари талабалikka қабул қилинган Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари уни- верситетида тахсил олмоқда- ман. Ўйлайманки, менинг тенг- дошларим ҳам ўз келажак- ларини ўзлари белгилаб, ҳуқуқ ва манфаатларини бор имко- ниятлари ва кучлари билан ҳимоя эта олишлари лозим. Фақат шундангина кутилган на- тижалар эришиш мумкин. На- тижалари биз ёшларга ҳам боғлиқ бўлган сайловлар — бу демократиянинг муҳим қўри- нишидан биридир. Қолаверса, биз катта қўчимиз, ахир мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизини ёшлар ташкил этади.

ФАОЛ, ОЧИҚ, ОШКОРА САЙЛОВЛАР

Мамлакатимизда сайловлар шуқуҳи давом этмоқда. Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссиясига мунтазам равишда дастлабки натижалар ҳусу- сида бўлаётган қўнғирок- лар ҳам бундан ёққол далолатдир. Дарҳақиқат, натижалар бор, бироқ аввал бироз маълум бўлган статистик рақамларга мурожаат этсак.



этишга улгурдим, энди эса шу, 167-сайлов уча- стқасига ҳозиргина хизмат сафаридан қайтган акам билан келдим, — дейди Санам Абутали- ева. — Нимага бирга дейсизми? Округ бўйича битта маъдт учун 4-6 нафар субъект кураша- ётган бир пайтда акамга осонроқ бўлиши учун уларни номзодлар билан сиртдан таништириш, сайловдаги ҳаракатлари ҳақида қисқа маълум- от бериш учун унга ҳамроҳлик қилдим. Дарҳ- ақиқат, номзодлар ҳаракатига келсак, бирон бир маротаба учрашувлар бўлиб ўтгани тўғрисида бизни ҳеч қим маълум қилгани йўқ. Аввалига мен ҳам Тошкент Ахборот технологиялари уни- верситетидаги курсдошларим қаторида сайлов- да фаол иштирок этиш борасида бироз икки- ландим. Фақатгина устозим Людмила Яковен- конинг тўғри насиҳатлари боис мен Конститу- цияда қафолатилган сайлов ҳуқуқимдан тўлиқ фойдаланишга қарор қилдим, қолаверса, бир пайтлар инсонлар бундай ҳуқуқлари учун кураш- ган ҳам эканлар...

164-сайлов участкаси жойлашган Темирйўлчилар саройи қошида, шунингдек Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов ўтка- зувчи 3-округ ҳам ташкил этилган бўлиб, ушбу округ бўйича рўйхатга олинган номзодлар учун турли давлатларда вақтинча фаолият қўригаёт- ган 13,5 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ўз ово- зини беради.

— Округ бўйича фаоллик асосан кўннинг би- ринчи ярмида кузатилди, — дейди округ сайлов комиссияси раиси Фозур Зокиров. — 138 на- фар сайловчилар 26 декабрь кўни шаҳар таш- қарисида бўлиши тўғрисида олдиндан сайлов ва- рақисини тўлдириб кетган. Хорижий давлатлар- даги фуқароларимизга келсак, 34 та мамла- катда ташкил этилган 40 та сайлов участкала- ридан биринчи маълумотлар бизнинг вақтимиз- га яқин бўлган шарқий мамлакатлар — Япо- ния, Жанубий Корея, Хитой, Таиланд, Малай- зиядан олинган.

Собир Раҳимов туманида 21-26-сайлов оку- рглари жойлашган. Уларнинг қамровида бўлган 74 та участка бўйича кеч соат 5⁰⁰ларда овоз берганлар сони ўрта ҳисобда 81-83 фоиз- ни ташкил этди.

Шу вақтга қадар Сергели туманининг 105.981 сайловчиларидан 80 фоизи ўз фуқаро-

Хамза туманида истикомат қилувчи 119.472 фуқаролардан 81 фоизи 32-37-сайлов округла- ри бўйича рўйхатга олинган номзодлар учун ўз овозини берди. 34-Авасозлар округи бўйича қайд этилган сайловчиларнинг олти фоизидан кўпи эрта билан соат 7⁰⁰да овозини берган бўлса, айнан шу округдан сайловлар бўлиб ўтди, деган хабар биринчи қайд этилди.

Чилонзор туманидаги 38-43-округлар қамро- видаги 78 та участка бўйича сайловлар бир ма- ромда, сайловчилар қатнашувида кескин фарқ бўлмаган ҳолда бўлиб ўтди. Жумладан, ҳар икки соатда рўйхатга олинган янги сайловчилар сони тенг кузатилди. Асосан сайлов участкаларида фуқаролар фаолиги 9⁰⁰-13⁰⁰ларда қайд этил- ган. Қўзиробод, Мевазор ва Хайрабод округла- ри бўйича соат 9⁰⁰-11⁰⁰ларда шаҳар бўйича энг юқори қўрсаткич — 6-9 минг сайловчи иштирок этган.

Шайхонтоҳур туманидаги 59та участка бўйича сайловчиларнинг 80 фоизи овоз берган. Аҳолисини инобатга олган ҳолда Юно- собод тумани 8 та округга бўлинган, шунга қарамақсан бу ҳудуддан шаҳар сайлов комиссиясига бирон-бир мурожаат ёки қўн- гироклар бўлмаган. 175.036 нафар электорат ҳисобидан 92 та сайлов участкаси бўйича 82 фоз сайловчилар овоз берган.

Яккасарой тумани — яқунлоғи, 58-60 округ- лар таркибидаги 624-664-сайлов участкалари жойлашган ҳудуд ҳисобланади. Сайлов кўни соат 20⁰⁰ га қадар сайловчиларнинг 80 фоизи қайд этилган бўлса, Бошлик округига қарашли ма- ҳаллалар фуқаролари фаоллик билан қатнаш- ган.

Дастлабки натижаларга қараганда, Тошкент шаҳри бўйича сайловларда умумий сайловчи- ларнинг 81 фоизи қатнашган. Шу билан бирга, шаҳар сайлов комиссиясининг маълумотида кўра, сайловчиларнинг 50 фоиздан зиёд овози- ни тўғрлай олмаган номзодлар иштирокида ай- рим округлар бўйича тақрорий сайловлар бўлиб ўтди.

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

АХБОРОТЛАР МУНТАЗАМ БЕРИБ БОРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Мар- казий сайлов комиссияси томон- нидан Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатла- ри маҳаллий Кенгашларига сай- ловларни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш учун қизгин тайёргарлик қўрилди. Унинг очиқ ва ошқора ўтишини таъминлаш, кенг жамо- атчиликни сайлов натижалари билан мунтазам ва тежорлик билан таништириб бориш мақса- дида Марказий сайлов комис- сиясининг матбуот маркази фаол ишлаб турди.

26 декабрь кўни бу ерда бир неча маротаба матбуот анжуманлари таш- кил этилди. Унда Марказий сайлов ко- миссияси аъзолари, хорижий кузат- вчилар, сиёсий партиялар вакиллари, акредитациядан ўтган чет эл ва ма- ҳаллий оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Таъкидлаш керакики, сайловга тай- ёргарлик жараёнида Марказий сайлов комиссияси Марказий банк ва Ўзбеки- стон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан ҳамкорликда ягона компьютер тармоғини ишга туширди. Мазкур замонавий алоқа тизими сай- лов кўни барча сайлов округларидан зарур маълумотларни олиш ва тежор- лик билан тарқатиш имконини берди.

Матбуот анжуманларини Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази раҳбари Шерзод Қудратхўжаев бошқ- арди.

27 декабрь 09.00. Марказий сай- лов комиссияси раиси ўринбосари Сайёра Хўжаева ўтган сайловларнинг дастлабки натижалари тўғрисида ах- борот берди. Сайловларда 12 милли- он 197 минг 159 нафар сайловчи қат- нашди. Сайловлар қўнун талаблари дорисраида очиқ ва ошқора ўтиши таъ- минланди.

Марказий сайлов комиссиясига овоз бериш жараёнида қўнун бузили- ши ҳолатлари юзасидан ариза ва шикоятлар тушмади. Сайловчилар то- монидан берилганда саволларга эса жавоблар ўз вақтида ва батафсил бе- риб борилаётди.

Қонунчилик мубодили, сайлов натижалари тўғрисидаги маълумот ва сайланган депутатларнинг рўйхати Марказий сайлов комиссияси томо- нидан ўн кўндан кенчиктирмай эълон қилинади.

ЎЗА

Польшанинг «Трибуна» газета- си сиёсий шарҳловчиси Михал Пжечини ўзбекистонлик журнали- стлар яхши билади. У бир неча маротаба юртимизга келган, кўп газеталар таҳририятлари билан яқиндан танишган. Галдаги таш- рифга эса, Пжечининг таъкидла- ши, у катта қизиқиш билан тай- ёргарлик қўрган ва бизнинг мам- лакатимиз ҳаётидаги бундай муҳим сиёсий воқеа жараёнини кузатиш- га мушарраф бўлиб, илк таассур- отлари билан биринчи ўзбекистон- лик ҳаммасблари билан ўртоқлаши- ш унга янада ҳузур бағишлайди.

— Тошкент таниб бўлмайдиган даражада ўзгарган, — дейди Ми- хал Пжечик. — Биринчи галда бу ердаги кўлани кенг қўрилиш жа- раёнига қўзим тушди ва бу мени ҳайратта солди. Сўнгги марта 1989 йилда келганимда, бу янгитдан қўрилган шаҳар эди. Энди эса қаер- да бўлмайин, жадаллик билан олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари,

Қўзғатувчи нигоҳи

Михал Пжечик: «ТОШКЕНТДА ЯНА УЧРАШИБ ТУРГАНИМДАН ХУРСАНДМАН»

айниқса ижтимоий аҳамиятга эга иншоотлар қўрилишини кузатиш. Демак, имкониятлар бор, бошқа со- халарни билмадимку, лекин қури- ларига инвестициялар киритилаёт- гани аниқ гап. Ўзбекистонликлар ўзига хос ташқи ва ички гўзаллиги билан ажрәлиб туради. Дид билан кийинган ёшларни қўриб қувондим. Буларнинг бари фаровон ҳаётдан далолатдир. Ўзбек миллий таомла- риға-ку гап йўқ! — ажойиб ҳуш- таъм... Фақат ҳаммасбарим ҳечам ўзгармаган, ҳар доимгидек ўз иши- га берилган, қайсарлиги ҳам қол- маган.

Икки палатали парламентга кел- сак, буни ҳукуматингиз, шаҳсан Ўзбекистон Президенти томонидан қўйилган дадил қадам дейиш му- мкин. Ким ўзининг имкониятларини ўзига беришни истайди... Шундай қилинбидими, демак, олдинда пеш- қадамлик билан интилиш бор. Давлатни демократлашдаги бу муҳим жараён кимгадир ёқмасли- ги ҳам мумкин, аммо Ўзбекистон учун, унинг халқиға бу керак.

Шуни айтиш керакики, Ўзбекис- тонда юз бераётган ўзгаришлар, янги қўринишдаги сайловларга ҳамма ҳам бирдай фикр билдира-

вермайди, аммо камчиликлар ҳат- токи ривожланган давлатларда ҳам талайдир, шу боисдан ҳам узоқми, яқинми, бир-биримизга қўшни бўлган давлатларнинг ҳар қандай ривожланиш аломатларини фақат яхшиликка йўйиш лозим.

Мен сайлов субъектлари ора- сида, партиялардан ташқари, сиё- сий кучга эга бўлмаган бир гуруҳ кишилар манфаатини қўловчи му- сбатлик номзодлар ҳам борлигини ижобий ҳол деб биламан. Бизда, масалан, бундай ҳоллар ўзгача ҳал этилади: парламентда ўрин эгал- лаш учун бундай гуруҳлар бирон- бир партия билан алоқа ўрнатиб, коалиция тузиши лозим. Аслида, очигини айтидиган бўлсам, улар қандай биларлса, тез орада шун- дай тарқалиб кетади... Ўзбекистон халқиға келгусида янги-янги мар- ралар, ҳаммасбаримга омадлар тилаб қоламан.

Ильмира ШАРАФУТДИНОВА

БИЗ БИЛТАН ВА БИЛМАТАН ТАРИХ

Мустақиллик майдони ҳар бир ватандошимиз учун азиз ва мўтабар бўлиб, Ўзбекистонимизнинг чинакам тимсолига айлансин. Барчамизнинг истасимиз, тилагимиз шуки, Бош майдонимиз асрлар давомида халқимизга хизмат қилиб, элимизнинг, юртимизнинг эзгу интилишларини бутун дунёга намён этсин.

Ислол КАРИМОВ

1. ТАРИХИЙ ИШЛАР

Биз аввалги мақоламизда пойтахтимизнинг юраги бўлиши ушбу муаззам майдоннинг тарихи, уни ҳақиқий Мустақиллик майдонига айлантириш учун амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари ҳақида имкон қадар сўз юритган эдик.

Бугун яна шу мавзуга қайтиб, миллий истиқлолимизнинг тимсоли бўлиши бу табаруқ маскан ва у ерда олиб бораётган катта ўзгаришлар ҳақидаги ҳикоямизни давом эттирамиз.

Ҳозирги кунда бу ерда минглаб қўли гул ишчилар, муҳандис ва мутахассислар, мутасадди раҳбарлар қизгин қурилиш ва ободонлаштириш ишлари билан машғул. Бугун майдонда барпо этилаётган ҳар бир иморат, ҳар қайси иншоот ҳақида узоқ кўришни мумкин. Лекин, бу хусусда гапиришдан аввал давлатимиз раҳбари Ислол Каримовнинг ушбу масалага доир фикр-мулоҳазаларига тўхталиб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.

Президентимиз шу йилнинг 10 декабрида Мустақиллик майдонидagi қурилиш ишлари билан танишар экан, бу борада принципал мазмунга эга бўлган гоҳ ва тақдирларни илгари суриб, жумладан, шундай фикрларни билдирган эди.

— Мустақиллик майдонининг бўлғуси қиёфаси ва шакли ҳақида гапирганда, менинг қатъий талабим шуки, майдоннинг эски кўринишини мутлақо ўзгартириш зарур. Аввало, бир пайтлар Ленин хайкали пойида туриб, ҳарбий парадлар ва намойишлар қабул қилинган, одамнинг руҳига босим ўтказадиган майдондаги совет тузумига хос дабдаба муҳитига барҳам бериш лозим.

Яъни, бу ерда амалга оширилган барча қурилишлар, янги иншоотлар, меъморий ўзгаришлар бу майдонга қадам қўйган инсоннинг баҳри-дилини очишга, унинг шу ерда яйраб ҳордик чиқаришига, қалбига ўз Ватани, ўз пойтахти билан фахрлини ҳиссиётини уйғотишга қаратилиши, ана шундай маъно-мазмунга эга бўлиши керак.

Агар биз Ўзбекистоннинг иқлим шароитини, айниқса, ёз жазирасида 8 минг 800 квадрат метрдан иборат бўлган ушбу майдонда бетон ва асфальтнинг ҳарорати ҳавога кўтарилиб, бу ерда юриш у ёқда турсин, ҳатто нафас олиш қанчалик қийин бўлишини, унинг одамга қандай нохуш таъсир кўрсатишини ўзимизга тасаввур қилсак, ўйлайманки, масаланинг моҳияти аён бўлади.

Шунинг учун ҳам бу жойдаги иқлим ва шароитни тубдан ўзгартириш учун бутун майдон ҳудудини икки метр чуқурликда очиб, ўз пайтида қурувчилар кўмиб юборган қурилиш чиқиндиларини олиб ташлаш, дренажлар ўтказиш, қатлам-қатлам қилиб махсус унмудор тупроқ ётқишиш, қор-ёмғир сувларини шимиб кетадиган кум олиб келиш, тегишли тарзда ўғитланган ерда яшил майдончалар ташкил қилиш лозим.

Ландшафт дизайнерлари ва кўкаламзорлаштириш бўйича мутахассисларнинг тавсиялари асосида қарағай ва Тиёншон арчаси кўчатларини экиш, умуман, бу майдонни кўзни қувонтирадиган, одамларни ўзига тортадиган ўтган бир масканга айлантиришимиз керак.

Бир сўз билан айтганда, катта харажат эмас, аввало кунт ва ҳафсала талаб қиладиган бундай ободончилик ишларини амалга ошириш ҳаммамиз учун ягона, эзгу макссадга айланишини истар эдим, — деди Ислол Каримов. — Буларнинг барчаси тарихда из қолдирадиган савобли ишлар бўлиб қолиши шубҳасиз.

Шундан сўнг мамлакатимиз раҳбари бу борада амалга оширилиши зарур бўлган конкрет амалий ишлар бўйича аниқ топшириқ ва тавсиялар берди. Жумладан, муҳокама чоғида аввало меъморий нуқтаи назардан майдоннинг ҳудудий чегараларини аниқ белгилаб олиш, бу ерда қад ростлаётган Сенат биносига олиб борадиган ўн метр кенликдаги йўл барпо этиш, унинг атрофини кўкаламзор ва гулзор қилиш, қурилиш ишлари ва материалларнинг сифати талаб даражасида бўлишига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, Бош майдонни тубдан қайта қуриш режасига кўра, бу жойдаги йигирма қаватли Маъмурий бино ҳам реконструкция қилинади. Модомки, гап ушбу иморат ҳақида борар экан, жиндақина ортга қайтиб, кечаги тарихимизнинг баъзи бир саҳифаларини эслаш ўринли бўлади, деб ўйлаймиз.

2. ЎТМИШ САБОҚЛАРИ

— Пойтахтимиз Тошкент шаҳри Тиёншон тоғи этагида жойлашган, шу боис бу ҳудудда кучли ер силкинишлари содир бўлиб туради, — дейди Сейсмология институти директори Қаҳқорбой Абдуллабеков. — Сейсмик фаол жойларда 8-9 балли зилзилалар рўй бериши табиий ҳисобланади. Муаррих Мухаммад Қорахўжа ўғли 1866 йилнинг 26 апрелида Тошкентда рўй берган кучли зилзиланинг шохиди бўлган. У «Тошкентнинг янги тарихи» китобида ёзишича, ер шу қадар ларзага келганки, кўплаб иморатлар

қулаб, қанча одамлар ҳаётдан кўз юмган. Шундан кейин ўтган юз йил давомида шаҳарда яна беш марта кучли зилзила рўй берган, 300 марта ер чайқалиши ва силкиниши кузатишган.

1868 йили содир бўлган кучли зилзила туфайли 50 киши завоёл топади, шаҳардаги деярли барча иморатлар зарар қўради. Ҳатто эндигина қуриб битказилган Туркистон генерал-губернатори қароргоҳининг пишиқ ва мустақкам деворлари ҳам ёрилиб кетди.

1886 йилнинг 29 ноябрида эса яна шундай кучли зилзила оқибатида шаҳарга жиддий талофот етди.

Бу дахшатли ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган чор Россияси маъмурлари бундан тегишли хулоса чиқариб, Янги шаҳарда иморатларни паст қаватли қилиб қуриш масаласига алоҳида эътибор қаратади. «Авалло сейсмик шароит шуни тақозо этади, — деб ёзади шаҳаршунос В.Нильсен «У истоков современного градостроительства Узбекистана» китобида. — Колаверса, дов-дарахтлар кам қаватли уйлари саратон жазирасидан асраб туради».

1924 йилнинг 7 июнида Тошкентда яна ногаҳоний кучли ер силкиниши юз беради, оқибатда кўпгина иншоотларга шикаст етди, ҳатто қудуқларнинг суви қочади. Худди шундай дахшатли ҳодиса 1946 йилнинг 3 ноябрида ҳам такрорланади.

1966 йилнинг 26 апрелида содир бўлган муҳим зилзила, унинг фавқулодда зарбаси ва аянчли оқибатлари эса хали-ҳануз унутилган эмас. Ушанда зилзила зарбидан ҳатто соат миллари 5, 22 дақиқада тўхтаб қолган ва бу ҳолат кўпдан-кўп тарихий расмларда ўзининг ифодасини топган.

«Шаҳар аҳлини кучли ер ости силкинишлари уйғотиб юрди. Ушбу зилзила билан бирга, қандайдир гувиллаш ҳамда ўт чакнашига ўхшаш ҳодиса рўй берди. Зилзила ўчоғи шаҳарнинг қоқ марказида бўлиб, у саккиз километр чуқурликда эди» («Ташкентское землетрясение» китоби, Т., «Фан», 1971).

Бу дахшатли офат пойтахтга катта вайронгарчилик олиб келди, айниқса, шаҳар марказига қаттиқ шикаст етди. Расмий маълумотларга кўра, ўшанда ер қимирлаши

лиқ экани аниқланган, Тошкентнинг сейсмик микрорайонлаштирилган картаси яратилган ва 1970 йили у Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети томонидан меъёрий ҳужжат сифатида тасдиқланган.

Ўз-ўзидан равшанки, шундай илмий хулосалардан кейин фаол зилзила ҳудудида жойлашган Тошкент шаҳрида, айниқса, унинг марказида осмонўпар бинолар қуриш ҳақида гап бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Соғлом ақл, соғлом мантиқ шуни талаб этади, албатта. Лекин, коммунист дунёқараш, большевистик мантиқ буни тан олармиди? Шу сабабли етмишинчи йилларга келиб, ўтган зилзила дахшати бирмунча унутилган, шўро сиёсатига хос бандлашарвозлик, рекорд кўрсаткичлар ортидан қувиш яна авж олади. Совет кишиларининг, енгилмас руҳини, кучқудратини, ҳатто табиат устидан ғолиб келганини намойиш этиш учун айнан шу зилзила ўчоғида осмонўпар иморат қуриш ҳаракати ўшланади.

— Ҳамма бало шуни, ки, бу иншоот лойиҳасини Тошкентимизнинг ер ва иқлим шароитини билмаган, ҳатто билиши ҳам истамаган одамлар Москвада ўтириб тайёрлашган, — деб хикоя қилади Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси Азамат Тўхтаев. — Ҳатто мутахассис бўлмаган одам ҳам бир қарашда бу бинонинг ниҳоятда бесўнақай эканини, бу майдонга умуман ярашмаслигини сезиши қийин эмас. Бунинг сабаби шуки, лойиҳада уни ўттиз икки қаватли қилиб барпо этиш кўзда тутилган ва белгиланган

МУСТАҚИЛЛИК МАЙДОНИ

Иккинчи мақола

вақтда қурилиш ишлари бошланган. Лекин йигирманчи қаватга етганда қутилмаганда кран қулаб тушиб, одам нобуд бўлган. Шундан кейингина бинонинг қурилишини ўн тўққиз қават қилиб ақунлашга қарор қилинган.

— Майдонни реконструкция қилиш лойиҳаларини тайёрлаш жараёнида Ислам Абдуғаниевич бир саволни кўп бор ўртага қўйди, — деб давом этади суҳбатдошимиз. — Яъни, архитектура ва инженерлик, хавфсизлик нуқтаи назаридан номақбул бўлган бундай бейҳус иморатни қуриш учун қан-

марказининг темир каркаси йигирма икки йилдан буён занг босиб турар эди. Лойиҳага кўра, бу иморат ҳам ўн олти қаватдан иборат бўлиши мўлжалланган эди. Юзлаб тонна металл ва бетон умумидан ташкил топиб, пойтахтнинг қоқ ўртасида қаққайганча қолиб кетган бу иншоотнинг тақдирини ҳам ҳал қилиш керак эди. Аммо бунинг учун қандай мақбул ечим топиш, унинг молиявий манбаларини қандай асосда ечиш лозим?

Ўтиш даври мураккабликларини бошидан кечириётган ёш, мустақил давлатимиз учун бу оғир муаммо эди. Бугун шу ҳақда ўйлар эканмиз, Президент Ислол Каримовнинг шу муносабат билан айтган қуйидаги сўзларида чуқур ҳаётий ҳақиқат бор эканига ишонч ҳосил қиламиз:

«Мустақилликин кўлга киритганимиздан буён мана шу майдон масаласи фикри-зикрини банд этиб келди. Шу ҳақда ўйласам, кечалари уйкум қотиб кетади. Яъни, қандай қилиб бу майдонни тартибга келтириш, эски тузум даврида йўл қўйилган жуда кўп беъаъни ишларга барҳам бериш мумкин?»

Қандай қилсак, бу жой то маънода мамлакатимизнинг Бош майдонига айланади, халқимиз, миллатимизга абадий хизмат қиладиган бўлади?»

Ва ниҳоят, бу мушкул муаммонини ҳал этишнинг вақти-соати етиб келди, бунинг учун зарур куч ва имкониятлар излаб топилди. Давлатимиз раҳбари бу жойда барпо этиладиган замонавий иншоот — Бизнес маркази лойиҳасини белгилаб бериб, бугунги кун меъморчилигининг илғор ютуқларини намён этадиган ўзига хос яхлит меъморий ансамбль яратиш, уни кичик архитектура усулларидан фойдаланган ҳолда, Амир Темур хиёбони ва ён атрофдаги майдон ҳамда иншоотлар билан уйғунлаштириш госяни илгари сурди.

Ҳозирги пайтда моҳир қурувчиларимиз томонидан бу ерда ҳам қурилиш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилаётган.

Бу ўзгаришлар наинки Мустақиллик майдонини, балки пойтахт марказини бутунлай ўзгартириб, яшнатиб юборишга хизмат қилади.

3. СЕНАТ БИНОСИ

Биз ҳикоямизнинг бошида Олий Мажлиснинг юқори палатаси бўлиши Сенат биносининг қурилиши ҳақида қисқача тўхталиб ўтган эдик. Лекин мақолани тайёрлаш жараёнида бу хусусда атрофчида ва батафсил сўз юритиш зарурати туғилди. Негаки, масаланинг моҳияти, унинг чинакам тарихий аҳамиятга моликлиги, бунёд этилаётган иншоотнинг улғувор ва бетакорлиги шуни тақозо этади.

— Ушбу лойиҳанинг бош меъмори муҳтарам Президентимиздир, — дейди Азамат Тўхтаев. — Мана, уша чизма-



оқибатида 2 миллион квадрат метрдан ортиқ турар жой, 726 та савдо, умумий овқатланиш ва коммунал хўжалик корхонаси, 245 та саноат корхонаси, 236 та маъмурий бино, 180 та ўқув юрти, 36 та маданий-маиший муассаса бинолари жиддий зарар қўрган, 78 минг оила ёки 300 минг киши бошланасиз қолган, 8 киши нобуд бўлган... («Тошкент», 1992).

«Тошкент», 1992. «Тошкентское землетрясение» китобида ёзилишича, 26 апрель кунини 191 та тиббий муассасасининг 59 таси бутунлай яроқсиз ҳолга келган, 118 таси қаттиқ шикастланган. Зилзила давомида 1623 нафар одам жароҳат олган.

Бу рақамлар ушбу табиий офат қандай миқдосга эга бўлгани ва Ўзбекистон халқига бошига қандай оғир ташвиш олиб келганини кўрсатади.

Энг ёмони, зилзила узлуқсиз давом этиб, 1966 йилнинг 26 апрелдан токи 1969 йилнинг декабригача Тошкент шаҳрида 1102 марта ер қимирлагани қайд этилган. Энг кучли силкинишлар шаҳар марказида, ҳозир «Жасорат» ёдгорлик мажмуи қад кўтариб турган ҳудудда содир бўлган.

Шу муносабат билан тузилган махсус комиссия ер қимирлаш хавфини ўрганиб, Тошкент шаҳрининг асосий қисмини 9 балли сейсмик ҳудудга киритиш ҳақида қарор қабул қилган. Шу билан бирга, марказда баланд бинолар қуришда мана шу шартни албатта инobatга олиш лозимлиги қатъий таъкидланган.

Зилзиланинг сейсмик натижаси тупроқ шароитига боғ-

лар, Ислам Абдуғаниевич ўз қўли билан ўзгартиш киритган лойиҳалар, у кишининг қимматли тақлиф ва мулоҳазалари мана шу дафтарда акс этган.

Энг аввало, давлатимиз раҳбари Сенат биносининг тарихини, унинг ички тузилиши ва ташқи қиёфасини бошдан-оёқ чизиб берди. Биз ана шу чизмаларга, у киши олган сурган фикрларга асосланиб, дастлабки лойиҳани ишлаб чиқдик. Шундан сўнг Ислам Абдуғаниевич, янглишмасам, камида ўн беш марта ушбу лойиҳани синчиқлаб кўрди ва ҳар сафар ўнлаб гоат муҳим, жиддий ўзгаришлар киритди. Бу жараён қурилиш бошлангач ҳам давом этиб келмоқда, у киши майдондаги ишларнинг боришини кўздан кечириш учун келган пайтларида бизнинг баъзи муаммоларимизни ҳал этиш билан бирга, бинонинг ички ёки ташқи кўринишини тубдан ўзгартириб, унинг хусусини янада очиб юборадиган аниқ тақлиф ва маслаҳатлар берди.

Масалан, лойиҳанинг дастлабки вариантга кўра, Мажлис залли айлана шаклида бўлиши лозим эди. Иш давомида шу нарса оидинлашдикки, зал қуриб битказилган, унда ўтирганлар билан ҳайъат ўртасида номутаносиблик келиб чиқар экан. Бу нуқсонни бартараф этиш учун у кишининг тақлифи билан зал ярим айлана шаклига келтирилиб, юқорига кўтарилди ва янада улғуворлик ва салобат касб этди.

Шуни айтиш керакки, бу саройнинг эшиклари доимо очик бўлади, ватандошларимиз фахру гуруримиз тимсоли бўлган мамлакатимиз Сенатининг кўркам биносини томоша қилиб, Мустақиллик майдонимизда эмин-эркин сайр этадилар.

Сенат биноси ушбу майдоннинг гултожига айланиши шубҳасиздир. Муаззам иншоот олдида олтига Фаввора барпо этилмоқда. Фавворалар орасидан ўтишган, кўз олдинда бино баробар ақсалган туртта мушташам устун, улғувор пештоқ ва нақшларга тилло суви юритилган нийл ранг учта гумбаз намён бўлади.

Ниҳоятда жозибали мовий ва тилларанг ислимий нақшларга гумбазнинг ички зиҳидаги чиқоқлардан нур ёғили туради.

Ичкарига қадам қўйишингиз билан деворлари фил суяги рангидаги кенг, баҳаво залнинг бутун кўрку жозибасини бир қарашда илғаб олишингиз қийин, албатта. Залнинг оқиш рангда жилланувчи баланд тоқига «Миконд» заводида тайёрланган учта салобатли қандил ўрнатилган. Ўнг тарафда Шердор мадрасаси пештоқидаги шер ва қуёш тасвири, миниатюра санъатимизнинг мумтоз намуналари, нафис нақшлар ишланган деворий панно, бир сўз билан айтганда, истиклолимиз, янги ҳаётимиз ва улғу интилишларимиз жозибали рангтасвир воситасида ифода этилмоқда.

— Инсон ўз қўли билан яратган нарсалар ичидан энг қимматлиси — асрлар оша яшайдиган мана шундай буюк обидалардир, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, академик Владимир Бурмакин. — Сенат биносини ўзбек халқининг қадимий маданиятини, Шарқ ва Ғарб меъморчилигининг энг мумтоз жиҳатларини ўзида мужассам этган. Шу боис у кундан кунга очилиб, ҳар томонлама гўзаллик касб этиб бормоқда. Унга сайқал беришда иштирок этаётганимдан берад хурсандман. Айниқса, нақсон мусававирларимиз — Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабалари ҳам шундай шарафли ишга ҳисса қўшаётгани қувончлидир.

Сенат биносини тасвирий нуқтаи назардан безаш ишларига мутасадди бўлган Бадиий академия раиси Турсунали Қўзиёвни ҳам биз шу ерда учратдик ва уни ҳам суҳбатга тортидик.

— Юртбошимиз 10 декабрь кунини ушбу майдондаги ишларнинг бориши билан танишиш пайтида рангтасвирчи рассомларимиз учун ҳам бир қанча қимматли йўл-йўриқ ва амалий тавсиялар берган эди. Кейинчалик бу масала 16 ва 22 декабрь кунлари Оқсарой қароргоҳида, Президент хузурида яна муҳокама қилинди. Ислам Абдуғаниевич тақдим қилинган расмларнинг эскизлари ва ҳайкалларнинг макетларини танқидий баҳолаб, жуда муҳим фикрларни баён этди. Жумладан, Сенат биносининг биринчи қаватидagi катта зал деворига ишланадиган витраж эскизи ҳақида тўхталиб, уларда бугунги ҳаёт ифодаси бор, биз шиддат билан ўзгартиришга амалдор ярашянимиз, бу тасвирларда ҳам ана шундай руҳ ва кайфият ифода топиши керак, деб таъкидлади.

Айни пайтда, композицияларнинг учови ҳам бир мавзуда бўлиши, деворнинг ўнг ва чап томонларида бир хил лейтмотив акс этиши лозимлигини кўрсатиб берди ҳамда витражлар ўта мураккаб эмас, содда услубда ишланшига, уларни тайёрлашда сифати ва мустаҳкамликка алоҳида аҳамият бериш зарурлигига эътиборимизни қаратди.

Шу билан бирга, Юртбошимиз тақлиф этилган эскизларнинг госяни, мазмунини маъқуланган ҳолда, ранглар устида янада қаттиқ ишлаши ўқтарди. Символика, яъни рамз ҳар қандай вазиятда ҳам табиий, тушунарли бўлиши керак, деди Ислам Абдуғаниевич. Бу картинага руҳ киритиш учун, менимча, унда офтоб ранги — олтинрангни кўпроқ ишлатиш керак. Мингта рангдан энг мосини топиш керак. Рассомнинг асосий вазифаси ҳам аслида шундан иборат эмасми? Бу борада ранглар жилоси, мутаносибликка алоҳида эътибор қаратиш зарур, деб жуда ҳаётий бир мисол келтирди. Масалан, камалакни оладиган бўлсак, унда аввал қизил ранг, кейин пушти ранг, кейин сариқ, кейин яшил ранг ўзаро кетма-кет, уйғун ҳолда пайдо бўлади. Рассомнинг маҳорати ҳам ана шундай уйғунликка эришишда намён бўлади, деди Президентимиз.

Энди майдонда бунёд этиладиган яна бир муҳим меъморий обида — Мустақиллик майдонининг рамзий дарвозаси (колоннада) ҳақида қисқача тўхталиб ўтсак.

Ушбу рамзий дарвоза Юртбошимизнинг фикри бўйича, Мустақиллик монументи рўпарасида барпо этилиши лозим. Кўркам, улғувор устунлардан ташкил топладиган бу мушташам иншоот тепасида — ўнг ва чап томонида бир оёғини кўтариб, тин олиб турган иккита лайлак хайкали ўрнатилади.

Бу хайкалларнинг ўзига хос рамзий маъносини бор. Яъни, турналар бамисоли овоз юртимизнинг парвозга шайланиб турганини аңлатса, беозор лайлақлар Ўзбекистоннинг тинчлик ва осойишталик маскани эканини ифодалайди.

Мустақиллик майдонининг рамзий дарвозаси қара бундай тинчлик-осойишталик белгиси сифатида кўриш ва қабул қилиш керак.

Нега деганда, халқимизда лайлак ва турна азалдан бахт рамзи ҳисобланади. Бу қушларга тош отилмайди, улар кўнадиган жойга бахт-саодат, файз-барақа келади, деб қаралади.

Биз миллий давлатчилигимизни барпо этар эканмиз, мана шундай рамз ва тимсолларнинг ҳам маъно-мазмунига жиддий эътибор қаратишимиз керак, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бугун пойтахтимиз марказида амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар ҳақида узоқ гапириш мумкин. Биз буларнинг бир шинглиги тўғрисида сўз юритдик, холос. Насиб этса, тез кунларда Бош майдондаги иншоотлар, обидалар ва яшил ҳудудлар барпо этиш ишлари ниҳоясига етиб, майдон узвийлик касб этади ва яхлит, мукаммал бир ансамблга айланади.

Шу сабабли ҳам, азиз газетхон, биз сиз билан хайрлашмаймиз. Бу мавзудаги суҳбатларимиз ҳали давом этади...

Гаффор ХОТАМОВ, Куддус АЪЗАМОВ

«Ўзбекистон овози» газетасидан олинди.

Шарқ дурдоналари

03-03 УЎТГАННИ ДОМО БУЎЛУ...

• Бир киши Мусъаб ибн Забайр олдиға келиб, Аҳнаф ҳақида қўрқинчли уйдирма гийбат гапларини гапирди. Мусъаб Аҳнафни чақиртириб келди. Унга хитобан воқеани баён қилди. Аҳнаф уйдирмачи кишининг ёлғончи ва гийбатчилигини айтиб, ўзини оқлашга қарайди. Мусъаб деди: «Унинг айтган гаплариға адолат юзасидан қараганда ишончга лойиқдир!» Аҳнаф унга деди: «Агар сенда ишонч ва адолат бўлганда: эди гийбатчининг сўзига қулоқ солмаган ва уни уйингдан ҳайдаб чиқарган бўлардинг!»

• **ҲИКМАТ.** Бойлик ўткинчи нарсадир. Ақлли киши ўткинчи ҳою ҳавасга берилмайди. Байт:

**Бойлигинг рохатинг
бўлса ҳам сенга,
Фано губоридан
бўлади барбод
Ҳақиқий бойлиқни
кират қўлингга,
Икки қувлик нарса
учун бўлма шод!**

• Ғазабсиз кишини синмас киши дейдилар. Мулоим киши шундай кишики, ғазаб ўтини жиддуҳақд билан танидан чиқара олади Байт:

**Ғазаб келса ундан
енгилмоқ нуқсон,
Ғазабин енгилган
ҳақиқий инсон.**

• Маъмун ўз даврида машҳур бўлган бир олимдан илтимос қилиб: «Бир-икки оғиз фойдали сўз айтсангиз токи ундан кўпчилик манфаат топсин!» — деди. Олим унга қуйидагиларни айтди: «Киши учун энг фойдали ҳислат — ғазаб келганда ўзини босиш, сукут сақлаб жим туриш, ғазаб босилгандан кейингина фикр ва мулоҳаза билан гапириш. Жаҳлинг чиққанда ўзингни бос, бировга фойда келтирмайдиган ва дилни оғритадиган сўзларни гапирма, топишинга қараб харж қил, қиримдан ортиқ чиқим қилсанг ўзгаларга муҳтож бўлиб қолсан, ўзингга наф келтириб, бировга зарар келтирадиган фойдадан кеч, ишни қаҳру ғазаб билан эмас, чуқур ўй ва мулоҳаза билан қил. Бировлар ҳақида гапирганингда уларнинг номини ёмонлаб тилга олма. Биров сенга сир айтса, бу сирни ҳар кимга гапириб юрма. Айбингни олдинда айтган ва кулфатга қолганингда ҳамроҳ бўлган кишининг да дўст деб бил!»

«ШАРҚ» — НАВБАТДАГИ ТЕЗЮРАР ПОЕЗДА

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси янги йилдан бошлаб Тошкент-Бухоро йўналишида янги «Шарқ» тезюрар поезди қатновини йўлга қўяди.

Пойтахтимиздаги «Тошкент йўловчи ташвиш вагонларини таъмирлаш заводи» акциядорлик жамиятида ўтган матбуот анжуманида янги поездининг ўзига хос имконият ва қулайликлари хусусида сўз борди.

— Шу йилнинг бошида Тошкент-Самарқанд йўналишида «Регистон» тезюрар поезди қатнай бошлаган эди, — деди ушбу жамият раиси Фаррух Дадахўжаев. — Янги очилётган йўналишдаги поезд ҳам жаҳон андозаларига мос тарзда жиҳозланади. Ҳар бир вагонда телевизор, иситиш, совушти ва ёритиш мосламалари — ҳуллас, йўловчилар учун барча шароит муҳайё этилади.

Шу пайтгача поездлар Тошкент ва Бухоро оралиғини ўн икки ярим соатда босиб ўтар эди. Мутахассислар фикрича, «Шарқ» бу вақтни қарийб беш соатга қисқартиради.

ЎЗА

Мисрнинг етакчи нашрларидан бири — «Ал-Мустақбал» («Келажак») газетасида «Ўзбекистонда 2005 йил «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилинди» сарлавҳали мақола чоп этилди.

МИСР МАТБУОТИ «СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ» ТЎҒРИСИДА

Мақолада Ўзбекистонда 2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» шиори остида ўтганига яна бир бор эътибор қаратилиб, ўзбек жамияти инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, ўзаро тотувлик ва ҳурматни янада мустаҳкамлаш, ёрдам ва эътиборга муҳтож ҳар бир шахсни давлат ва жамоатчилик назаридан четда қолдирмасликка интилиш каби олижаноб вазифаларга содиқлиги эътироф этилади.

Шу ўринда, «Ал-Мустақбал» газетаси Ўзбекистонда ҳар бир янги йилни савобли мақсадларни амалга оширишга бағишлаш яхши аънамага айланганини алоҳида таъкидлаб, Президент И.Каримов ташаббуси билан 2005 йил республикада «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилингани ҳақида хабар беради.

Муаллиф 2005 йил Ўзбекистонда «Сиҳат-саломатлик йили» деб эълон қилиниши, шубҳасиз, ўзбек жамиятининг юксалиши, унинг моддий ва маънавий тараққиёти йўлида муҳим қадам бўлади, дея таъкидлайди. Шунингдек, Юртбошимизнинг «Инсон табиатининг энг буюк мўъжизаси бўлиши билан бирга, у табиат ва ҳаётни фақатгина

ўзининг соғлиғини ҳимоя қилганидана сақлаб қолиши мумкин, зеро, фақат соғлом инсон чинакам бахтли, фақат соғлом миллат улкан ютуқларга қодир», — деган фикрлари араб газет-хонлари эътиборига алоҳида ургу билан ҳавола этилади.

Мисрнинг Тошкентдаги элчихонаси собиқ маслаҳатчиси Мағди Дейф Ўзбекистондаги узоқ муддатли дипломатик фаолияти давомида Президент И.А.Каримовни ўз Ватанининг жонқури ва ҳақиқий инсонпарвар шахс сифатида танишга муяссар бўлганини билдиради.

Мақола мамлакатимизда омвий, айнқиса, болалар спортга бўлган эътиборнинг тобора ортиб бораётганини юқори баҳолаган Зақозик университет профессори Одил Шиханинг «Ўзбекистонга қилган узоқ муддатли сафарим давомида аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ва миллат соғлиғини ҳимоя қилиш ўзбек давлати ва жамиятининг доимий диққат-марказида турган асосий мавзулардан бири эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим», — деган сўзлари билан якут топган.

«Жаҳон» АА

Маълумки, жамиятимиз тинч ва бахтли оилалар ҳисобига янада қудратли бўлиб боради. Иجتимоий ҳаётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлган ана шундай оилани бунёд қилиш ушбу кўрғон соҳиблари бўлиши эркак ва аёлга кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Одатда оила деб аталмиш тирилик кўрғонининг мустаҳкамлиги, унда ҳаёт кечирувчи ўғил-қизларнинг камолга етиши, оилادا умрбоқий аҳиллик, тотувликнинг вужудга келишида оила чироғи бўлган аёлнинг ўрни ва роли бекиёсдир.

Аёл биринчи навбатда она. Оиласи, болалари ташвишида жон куйдиради. Рўзгор, бола-чака ташвишларидан ортиб, яна эркаклар билан баробар меҳнат қилиш ҳар қайси касб соҳибаси учун ҳам осон кечмайди.

Турмуш ташвишларидан ташқари ишим, жамоман деб елиб-югуришлари аёлни толиқтириб қўймасмикан? Ана шулар ҳақида ўйлар эканман, беҳтиёр Махбубахон Мухитдинова кўз ўнгимда гавдаланади.

Оддий ўзбек хонадонининг аёли...

Лекин унинг оила аъзоларининг ҳар бири учун жон фидо қилишга тайёрлиги, бундан ташқари ўз касбига бўлган садоқатлигини кўриб, ҳайратланасан киши.

Махбубахон оила деб аталмиш ҳаёт кўрғонини бўстонга айлантираётган аёллар сирасига қиради. Бироқ уни ҳам турмуш сўқмоқларидаги қийинчиликлар четлаб ўтмади... Балки кўнгил нурафшон ёғдуларга тўлган чоғларда у қийинчиликларни эслаш ноҳиоздир? Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозим-ки, ўша қийинчиликлар қаҳрамонимизни тоблади, чинқирди. Унда меҳр-мурувват, чорасиз қолган кишиларга ёрдам қилиш чўшидек улғур фазилатни пайдо қилди. Гап шунда-ки, Махбубахоннинг биринчи турмуши кўзаланган, интиқил билан кутилган бахтни ҳада этолмади. Олти йиллик биргаликдаги турмушдан сўнг фарзандсизлик туғайли улар ажралишди.

У бутун эътиборини семимий касбига, ўзи эга бўлолмаган болаларнинг тарбиясига қаратди, уларни меҳр билан эркалаб ўқитди, ўзи ҳам бир оз таскин топгандек бўлди.

Махбубахонга янги турмуш куриш тўғрисида гап очилгани-

да, тўғриси у даставвал чўчиди. Нафақат чўчиди, кўз олдиндан барча ёр-биродарлари, қариндош-уруғ, таниш-билишлари ўтди. Уйлай-уйлай ниҳоят рози бўлди. Унинг бу қарорга келишида ўзи бораётган янги оиладаги турт нафар боланинг онасиз қолганлиги асосий сабаб бўлди. Махбубахон ўзи фарзанд кўрмаган, оналик бахтига муяссар бўлолмаган

нинг пайдо бўлиши бу ерда қарор топиб келаётган меҳр-мурувват, иноқлик ва аҳиллик ришталарини янада мустаҳкамлади.

— Ўғлим Одилжонни бошқа фарзандларимдан ажратмадим, унга алоҳида эътибор қаратмадим, — дейди Махбубахон. — Ака-опалари еганини едирдим, қийганини кийдирдим.

Ака-опалари унга жуда меҳри-

Хозирги кунда ушбу хонадонда ўн киши бир тан, бир жон бўлиб тотув ашмоқда. Қувонч-лиси, ҳавас қилса арзигулик жойи шунда-ки, уларнинг барчаси бир рўзгор теварагига жипслашган. Рўзгор битта, қозон битта, юмушда бўш бўлган кичиғи қатта. Келинлар оғзидан «ойи-жон» сўзи тушмайди. Бунда ҳам бахтли оила бекаси — Махбубахоннинг оқилона иш юриштиши ва рўзгор туттиши ҳал қилувчи омил бўлмоқда.

Ҳар қандай жамиятда ривожланиш таомойили аёл бахли билан ўлчанади. Аёли бахтли бўлган жамият фаровон бўлади. Ана шу бахтни яратиш кўп жиҳатдан унинг эгаси бўлиши аёлга боғлиқ. У ўз бахтини донолиги ва меҳнатсеварлиги, ифати-ю орномуси, шарм-ҳаёси-ю, меҳрибончилиги, турмушда қаноатчилиги билан яратди. Шовир айганидай «Фойибдан келажак бахт — бу бир афсона!».

Махбубахон суҳбатимиз охирида ўта ийманиб бизга суратлар билан тўлдирилган каттагина альбомни кўрсатди. Бу альбомдаги суратларда фарзандларининг камолини кўролмай оламдан ўтиб кетган, хонадондаги турт фарзанднинг марҳума онаси Махбубахоннинг ҳаётдан олдинган лавҳалар тасвирланган эди.

— Ушбу альбомни, — деди кўзлари ёшлаган Махбубахон, — оиламизнинг барча аъзолари энг муқаддас, азиз оилавий ёдгорлик сифатида сақлаймиш. Хонадонимизда юз берадиган ҳар бир тантанада унга муружоат қиламиш, хурсандчилигимизни бўлишамиз...

Халқимизда «Аёлга бўздан сўз яхши» деган жуда ўринли ибора бор. Биз ҳам бутун оддий ва камтарин, меҳнатсевар ва меҳрибон ўзбек аёли — Махбубахон тўғрисида яхши сўзларни айтишни, уни ана шундай сўзлар билан сийлашни мақсад қилгандик. Ушбу эғу сўзларимиз, истакларимиз Турғунжон Мухитдинов оиласини тобора мустаҳкамлаб, ўзининг меҳру гийҳидан чечаклар ундирётган Махбубахонни узоқ йиллар ушбу оиланинг бахтли соҳибаси бўлиб яшашда таянч бўлса не ажаб?

Шавкат ЁҚУБОВ,
Тошкент автомобиль ва йўллари коллежи маънавий ва маърифат бўлимининг масъул ходими.

2004 — Меҳр ва мурувват йили ФАЙЗЛИ ХОНАДОН СОҲИБАСИ

Махбубахон Мухитдиновани у истиқомат қиладиган Чилонзор туманидаги «III-Чарх-камолон» маҳалласидаги кўни-кўшнлар ҳам, уч йилдан бери ёш авлодга таълим бериб келаётган Тошкент автомобиль ва йўллари касб-хунар коллежидаги ҳамкасблари ҳам ибратли оила соҳибаси сифатида яхши билишади.



бўлса, эндиликда у меҳрибон она-жонларидан шафқатсиз ўлим туфайли ажраб қолган болаларга оналик қилишга аҳд қилди.

Унинг қарори қатъий бўлди. 1988 йилда Турғун Мухитдинов хонадонига эзгу-ниятлар билан кириб келди. Махбубахон ушбу жўжабирдай оилага бунда юз бериши мумкин бўлган қийинчиликлардан хайқмай қадам босди. Мазкур хонадонда уни қайната-ю, қайнона хизматига бўлиш, икки жажжи қизалоқни қовиб-тараб боғчага жўнатиш, икки ўғилнинг ўқишларидан хабардор бўлиб бориш, турмуш ўртоғининг иссиқ-совуғидан кунда хабар олиб туришдек вазифалар қутарди. Эҳ-хе, сабр-бардошли аёл зиммасидаги юмушларнинг барчасини адо этти... Бунинг вазига оила кексаларининг дуоларини олиш, турмуш ўртоғи Турғунжоннинг опа-укаларининг унга нисбатан бўлган самимияти, фарзандлар меҳрини қозониш, уни ушбу хонадонга чамбарчас боғлаб қўйди.

Махбубахоннинг бу ишлари Яратганга ҳам хуш келди-ми, Оллоҳ таоло унга ўн йиллик зорикиб қутишдан сўнг ўғил фарзанд ата этди. Яхши ниятлар билан унинг исмини акаси Орифжонга мослаб Одилжон деб қўйишди. Оилада янги меҳмон-

бонлик билан муомалада бўлиб келмоқдалар. Қизиги шундаки, мен Одилжонни бир оз койиғудек бўлсам, улар дарров укасининг ёнини оладилар. Оиланинг ана шу аҳиллиги, меҳрибончилигидан ҳам ортиқроқ бахт бормикан аёл кишига?!

Махбубахон — аёл, аввало она, суоқли бека, фарзандларнинг меҳрибон ва қаттиққўл тарбиячиси. У ўқув юртининг ўзига хос бўлган ишлари билан машғул бўлиш билан бирга ўз оиласи олдидики бурч ва масъулиятини ақали бир дақиқа ҳам унутмайди. Оилада ҳам, ишда ҳам ўз вазифаларига садоқат билан ёндошиб келмоқда.

Турғунжон ва Махбубахон ўғил-қизларини яхши тарбияладилар, ўқитиб қомил инсон қилдилар.

Энди навбат уларни уйли-жойли қилиш, ўғилларини уйлантириш, қизларни узатишга етиб келди. Буларнинг ҳаммасига ҳам ҳикомияз қаҳрамони бош-қош бўлди. Эл-юртдаги расм-рўсумлари жойига қўйиб, келинлар туширди, қўвларга саруполар кийдирди.

Ибратли оила ўз соҳибаси ва соҳибасининг раҳнамолигида ҳам бўйига, ҳам энгага ўсиб борди. Келинлар, қўвлар, бир-биридан ширин набиралар.



Давоми. Боши газетанинг ўтган сониди.

ЧОРШАНА, 29

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Заминдаги буюк томошалар».

16.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабулар.
17.40 Тенгдошлар.
17.00 Умид гунчалари.
17.20 Ёшлар овози.
17.40 Сайрат.

Тошкент

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Кўркамас ва довраклар».

Спорт

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Ёшлар

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
7.30 Ёшлар овози.
9.25 «Мухаббат мохароси».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.25 «Детский час»
12.50 «Возвращение Мухтара».

16.00 Спорт-экстрим
16.25 «Тайны мира»
17.25 «Детский час»
18.10 «Музыкальная пауза».

НТВ

6.00 «Сегодня утром»
9.05 Сериал «Время - деньги»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 24.00, 4.00 «Сегодня».

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
10.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.10, 5.00
Новости
9.05, 21.30 Комедия «Узкий мост».

ТНТ

5.55, 19.30, 00.35
Москва: инструкция по применению.
6.20 «Любовь и тайны Сансет Бич».

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия!»
6.45 Сериал «Я тебя люблю»
7.45 «К-19. Неголливудская история».

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Телесериял «Дороги любви».

18.00 Х/ф «Шерлок».
18.00 Х/ф «Собака на игре в кегли».

НТВ

6.00 «Сегодня утром»
9.05 Сериал «Время - деньги»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00, 24.00, 4.00 «Сегодня».

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
10.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.10, 5.00
Новости
9.05, 21.30 Комедия «Узкий мост».

ТНТ

5.55, 19.30, 00.35
Москва: инструкция по применению.
6.20 «Любовь и тайны Сансет Бич».

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия!»
6.45 Сериал «Я тебя люблю»
7.45 «К-19. Неголливудская история».

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего.
9.00 Телесериял «Дороги любви».

18.30 Кубок России по горнолыжному спорту.
22.30 «Жилетт-спорт» Тележурнал.
24.00 Кикбоксинг. Железный локук.

ПАЙШАНА, 30

Ўзбекистон

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Парвоз саянлари».

Тошкент

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Болажон-кажон».
17.40 «Табриклаймиз-кутайлимиз».

Спорт

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Ёшлар

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
7.30 Ёшлар овози.
9.25 «Мухаббат мохароси».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Детский час»
12.50 «Возвращение Мухтара».

17.25, 19.35, 22.35
ТВ-анонс.
17.30 Президент арчаси.
18.55, 21.55 Иклим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 «Сиз Японияни биласизми?».

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.40, 5.00
Новости
9.05, 21.30 Комедия «Узкий мост».

Тошкент

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Болажон-кажон».
17.40 «Табриклаймиз-кутайлимиз».

Спорт

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Ёшлар

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
7.30 Ёшлар овози.
9.25 «Мухаббат мохароси».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Детский час»
12.50 «Возвращение Мухтара».

20.30 Юмористический сериал «Музыкальная пауза».

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.40, 5.00
Новости
9.05, 21.30 Комедия «Узкий мост».

Тошкент

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Болажон-кажон».
17.40 «Табриклаймиз-кутайлимиз».

Спорт

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Ёшлар

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
7.30 Ёшлар овози.
9.25 «Мухаббат мохароси».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Детский час»
12.50 «Возвращение Мухтара».

11.15 «Детский час»
11.35 Х/ф «Цыган»
13.35, 18.35, 5.35 «Чрезвычайное происшествие».

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.40, 5.00
Новости
9.05, 21.30 Комедия «Узкий мост».

Тошкент

17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Болажон-кажон».
17.40 «Табриклаймиз-кутайлимиз».

Спорт

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
8.45 «Хабарлар» (рус тилида).

Ёшлар

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг».
7.30 Ёшлар овози.
9.25 «Мухаббат мохароси».

30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Детский час»
12.50 «Возвращение Мухтара».

НТВ

6.00 «Сегодня утром»
9.05 Сериал «Время - деньги»

Давоми келгуси сонда.

Футбол

**ЗЕЙТУЛЛАЕВ
«РЕДЖИНА»
САФИДА**

Ўзбекистон терма жамоасининг ярим ҳимоячиси, Италиянинг «Ювентус» клуби аъзоси Илбс Зейтуллаев ўз фаолиятини яна Италияда давом эттирди.

Ҳап шундаки, «Ювентус» жамоасининг асосий таркибидан ўрин ололмаётган ҳамюртимиз «Ювентус» таркибидан кетишга қарор қилди. Эндиликда у Италиянинг «А» сериясида, «Реджина» жамоаси сафида тўп суради. Шуниси қувончлики, «Ювентус» ва «Реджина» жамоалари раҳбарияти бу ҳақда бир қарорга келишган.

Биз эса кўп минг сонли муҳлис-лар номидан Илбсга янги мавсумда омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

**ЭРМАТОВГА
КАТТА ИШОНЧ**

Кейинги йилларда Осиё футбол конфедерацияси томонидан мамлакатимиз ҳакамларига ҳам катта ишонч билан қаралмоқда. Шуниси қувонарлики, кўпгина халқаро турнирларда ўзбекистонлик ҳакамлар учрашувларини бошқаришмоқда.

Куни кеча Осиё футбол конфедерациясидан хабар келди. Унга кўра мамлакатимизнинг энг ёш ҳакамларидан бири ҳисобланган Равшан Эрматов ЭРТАГА Индонезия пойтахти Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган Жанубий-шарқий Осиё давлатлари терма жамоалари турнирининг Индонезия-Малайзия терма жамоалари ўртасидаги ярим финал учрашувига бош ҳакамлик қилади. Дароқе, Равшан Эрматов Финляндияда ёшлар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатида, Хитой яшил майдонларида кенга Осиё биринчилигида ҳамда бир қатор халқаро турнирларда учрашувларни бошқариб ўзига хос тажриба орттирган.

**УЛУҒБЕК
ТЕРМА
ЖАМОАДА**

Қозғоғистон Республикасининг «Гобол» жамоаси таркибида тўп суриб, жорий йилги мавсумда мамлакат тўпураги деб эътироф этилган Улуғбек Бақоевга омад кулиб бокди.

Ҳап шундаки, бундан уч йил аввал ҳам Ўзбекистон терма жамоаси либосида ҳаракат қилган Улуғбек Бақоев кейинги пайтда мамлакат бош командасига жалб этилмаётганди. Шуниси эътиборлики, сўнги вақтлардаги сермазмун ва ажойиб ўйинлари Ўзбекистон терма жамоаси раҳбарларини ҳам бефарқ қолдирмаган шекилли, Улуғбек терма жамоа мураббийлари назарига тушди. Январда Бирлашган Араб Амирликларида Ўзбекистон терма жамоасининг ўқув-машғулот йиғинлари ташкиллаштирилади. Улуғбек Бақоев ҳам терма жамоа сафида Бирлашган Араб Амирликларига йўл олади.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқишми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси «Оқшом» газеталари ходими Дилфуза Тошпўлатовага онаси

**Мавжуда
ТОШПЎЛАТОВАНИНГ**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.



Каратэ

**ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР
МУВАФФАҚИЯТИ**

Каратэчиларимизнинг турли халқаро мусобақалардан медаллар шодаси билан қайтишлари хайрли аънава тусига кирган. Айниқса болалар ва ўсмирларимиз эришаётган ютуқлар мақташга арзинулик. Бунга албатта Ўзбекистон Каратэ миллий федерацияси томонидан болалар ўртасида ушбу қизиқарли спорт турини оммалаштириш юзасидан жойларда амалга оширилаётган ишлар муҳим омилдир.

Янги йил арафасида ёш каратэчиларимиз муҳлислар кўнгилларини яна бир қарра шод эттишди. Улар Словениянинг Трбовлже шаҳарчасида болалар ва ўсмирлар ўртасида

ўтказилган «Tubovlje-2004» халқаро мусобақасида ўн тўрт давлат вакиллари билан бирга ўз куч-маҳоратларини кўрсатиб катта муваффақиятга эришишди.



Ҳамюртимиз шахсий ва жамоа баҳсларида учтадан олтин ва бронза медалларини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида Словения ҳамда Италия терма жамоаларидан кейин фахрли учинчи ўринни банд этишди.

Ушбу муваффақиятда Азиз Беймирзаев, Мухтор Расулов, Сардор Назаров, Достон Турғунов, Бобур Давлатов каби ёш, умидли каратэчиларимизнинг ҳиссалари катта бўлди.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: каратэчиларимизни аэропортда кутиб олиш пайтидан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

Санъат

**УЙ-МУЗЕЙДА БАДИИЙ
КОМПОЗИЦИЯ**

Академик шоир Фағур Фулом уй-музейида бўлган томошабинлар сўз санъаткори ижод наشرлари асосида яратилган тасвирий ҳамда ҳайкалтарошлик асарлари билан ҳам яқиндан танишадилар.

Уй-музей ҳовлисида ҳам бундай бадиий ёдгорликларни кўриш мумкин. Яқин орада адабнинг машҳур «Шум бола» қиссасини ҳайкал-лаштириш иши ниҳоясига етади.

Ўзига хос бадиий композиция кўринишида қад кўтарадиган бу обидани таникли ҳайкалтарош rassom Азамат Ҳотамов яратмоқда. Бу композиция ўрнатилган ҳам ўзига хос меъморий жа-

раён амалга оширилади. Шундай қилиб, «Шум бола» уй-музей ҳовлисида бу ерга қадам ранжида қилган шеърят муҳлисларини хушқаҷақлик билан кутиб олади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

Тошкент кимё-технология институти талабалари янги совға олдилар. Олий ўқув юрти учун бунёд этилган талабалар уйи фойдаланишга топширилди.

Ёшлар — келажакимиз

**ЯНГИ
ТАЛАБАЛАР УЙИ**

Мавжуд эски ётоқхона талабга жавоб бермай қолган эди. Устига-устак, унда турли маърифий-маънавий тадбирлар олиб бориш учун деярли шароитлар йўқ эди.

Талабаларнинг янги ётоқхонаси том маънода толиби- имлар уйига айланди. 260 нафар талабга мўлжалланган ушбу масканда кутубхона, дам олиш хоналари бор. Бун-

дан ташқари замонавий ошхона ишлаб турибди.

Талабалар уйи келгусида яна қатор қулайликларга эга бўлади. Бу ерда компьютер маркази ҳам очилади. Бу эса талабаларнинг курс ва диплом ишлари устида ишлашлари учун ҳам шарт-шароитлар яратлади.

Муяссар АДИЛОВА.

«02»: ХОДИСАЛАР

● Ҳеч қаерда ишламайдиган Жаффарова, таниши бўлимиш Андижон вилояти фуқароси гирт бекорчи Имомов билан Сергели туманида яшовчи дугонасиникида меҳмонда бўла туриб, кеч пайтда Имомовнинг ухлаб ётганлигидан фойдаланиб унинг чўнтагидан 1350 Америк долларини ўғирлаб воқеа жойидан гойиб бўлган. Эртаси, буниси сезиб қолган Имомов дарҳол туман ички ишлар бўлимига хабар беради. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида Жаффарова қўлга олинди.

● Ҳеч қаерда ишламайдиган Тиллаев, Юнусобод туманида

ҳаракатланаётган автобус сало-нида хоразмлик фуқаро Нуржонованинг чўнтагидан «Нокья-3310» русумли уяли телефони ўғирлаб, тушиб кетмоқчи бўлганида, буниси сезиб қолган телефон эгаси зудлик билан автобус ҳайдовчисига ҳеч кимни автобусдан чиқармаслигини сўрайди. Лекин йўловчилардан бири, яъни Тиллаев жуда асабийлашар, ўзини қўярга жой тополмайдиган аҳволда бўлиб, уни автобусдан чиқариб юборишларини сўрайди ва шу билан ҳамманинг эътиборини тортади. Ва натижада, шу ерга ички ишлар идоралари ходимини

қақаришга тўғри келди. Унинг чўнтагини текширишганда, ўша йўқолган уяли телефон борлиги маълум бўлди. Тиллаевни яқин атрофдаги ички ишлар бўлимига топширишга тўғри келди.

● Яқкасарой туманидаги бан-клардан бирининг ходими 24 ёшли Муяссар, бир неча ой давомида, шахсий эҳтиёжлари мақсадида, жами 789853 сўм давлат пулини талон-тарож қилиб юборган. Ҳозирда бу ҳаракат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб борилмоқда.

● Муқаддам судланган уй бекаси Комилова пул ишлашнинг янада осон йўлини топган. У Шайхонтоҳур туманида исти-

қомат қилувчи уй бекаси Абдуллаеванинг уйда бўла туриб, ўзини коммунал хизмати дораси ходими сифатида таништириб, чикинди учун пул йиғялман деб уй бекасининг ишончига кириб ундан 7500 сўм пулини олган. Бундан ташқари, йиғилиб қолган иссиқ сув тўловини 50000 сўмга тўғрилаб бераман деб ундан 15000 сўм пулини олиб қўйган. Ҳозирги пайтда Комилова устидан жиноят иши қўзғатилиб, шунга ўхшаш жиноятларни содир қилганлигини аниқлаш мақсадида тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Юлдаз АШИРОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ
Матбуот маркази катта инспектори, майор.

Муяссир:
Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма тираж, офсет
узусида босилади.
2764 прсади боксиди. Қўғоғ бирини А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари буйича турар
жойлардаги почта бўлимларига еки «Тошкент почтматига»
— 133-74-05 телефонига мурожаат қилишиниз мумкин.
Газета «Тошкент оқишми»нинг компьютер
марказида терилди ва сақлаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.